

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИ ИНВЕСТИЦИЯЛАШДА ЭНДАУМЕНТ ФОНДЛАРИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

Талапова Наргиза Бахриддиновна

Наманган давлат университети таянч докторанти

Эмаил: talapovanargiza@mail.ru

<https://doi.org/10.5281/zenodo.8348579>

Олий таълим тизими ривожланган илғор хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш жараёнида шуни гувоҳи бўлдикки, мазкур мамлакатларда олий таълимни хусусий сектор маблағлари ҳисобига молиялаштириш тизими кенг ривожланган. Хорижий мамлакатларда бюджетдан ташқари маблағларнинг асосий қисми тўловконтракт суммалари билан бир қаторда, эндаумент фондлари, венчур фондлари маблағлари, хорижий инвестициялар, қўшимча таълим хизматлари ва интеллектуал мулкни тижоратлаштиришдан тушган маблағлар етакчи ўринда туради. Олий таълим муассасалари молиявий барқарорлигини таъминлашда, уларнинг молиялаштириш манбаларини диверсификация қилиш муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, мамлакатимизда ҳам бу борада бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли фармони муҳим аҳамият касб этади. Ушбу концепция орқали олий таълим муассасаларига мақсадли капитал жамғармаси (эндаумент фонд)ни ташкил этишга рухсат этилди. Ҳозирги кунда узоқ муддатли ижтимоий инвестицияларни жалб қилишнинг энг самарали ва кенг фойдаланиладиган воситаларидан бири бу эндаумент фондларидир. Эндаумент фонд – бу нотижорат ташкилотларининг мақсадли капиталидир. Эндаумент фонд нотижорат ташкилотларнинг асосий фаолиятини молиялаштириш учун ишлатиладиган, даромад олиш учун хайр-еҳсонлар эвазига шакллантирилган ва бошқарув компаниясининг ишончли бошқарувига топширилган мулкнинг бир қисмидир.

Эндаумент фондлар адабиётларда “Эндаумент”, “Эндаумент фонд”, “Молиявий эндаумент”, “Мақсадли капитал” каби атамалар билан аталиб, турлича таърифлар берилган. Эндаумент фонди (инглизча endowmentдан - таъминот, ҳисса) тижорат мақсадларда, асосан таълим, тиббиёт, маданият, фан соҳасида ишлайдиган ташкилотларни молиялаштириш учун фойдаланиш учун мўлжалланган фонд ҳисобланади.

Хайрия жамғармаси – нотижорат ташкилоти фонди бўлиб, пул кўринишидаги хайрия маблағлари ҳисобига махсус ҳисобрақамга келиб тушади ва даромад олиш мақсадида бошқа ишончли бошқарув компаниясига топширилади. Эндаумент фондлар маблағларини шакллантириш ва уни бошқариш бўйича мамлакатлар ўртасида ўзаро фарқли жиҳатлар мавжуд. Эндаумент фонд - ижтимоий жиҳатдан муҳим бўлган маблағларни маълум мақсадлар учун жалб қилиш ва улардан фойдаланиш шакли. Мақсадли капитал (эндаумент) – маданият, фан, таълим, соғлиқни сақлаш ва спорт, шунингдек ижтимоий соҳаларни қўшимча молиялаштириш учун тузилган махсус жамғарма. Молиявий эндаумент – кўп ҳолларда чексиз муддатга, белгиланган мақсадларга сарфлаш учун таъсисчилар ва донорларнинг молиявий, реал ва бошқа инвестициялар ҳисобига шаклландиган махсус жамғарма. Эндаумент – бу йиллик

даромадини таъминлаш учун муассаса ёки унинг филиалига берилган пул совғасидир. Эндаумент фондга йиғилган маблағлар шунчаки харажат қилинмасдан, келгусидаги стратегик мақсадларни амалга ошириш учун инвестиция қилинади ва маблағлар бошқа бошқарув компаниясига ўтказилади.

Ижтимоий соҳанинг таркибий бўғини бўлган таълим соҳасини устивор даражада молиявий таъминлаш иқтисодиётнинг ривожлантиришнинг асосий драйверига айланмоқда. Замонавий олий таълим тизимининг таълим хизматлари сифатини ошириш, таълим жараёнларининг барқарорлигини таъминлаш мақсадида таълимни молиялаштиришнинг янги манбаларини излашга йўналтириш билан боғлиқ бўлиб, профессор-ўқитувчиларнинг иш ҳақини ошириш ҳисобига ва турли соҳалардаги амалий тажрибага эга хорижий профессорлар ва мутахассисларни жалб қилишга қаратилган.

Бугунги кунда ривожланган хорижий мамлакатлар амалиётида мавжуд бўлган ва кенг фойдаланиётган олий таълим муассасаларини молиялаштириш учун эндаумент фондларидан фойдаланиш тажрибасини ўрганиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Эндаумент фонди асосан хайрия маблағлари ҳисобига тўлдирилади. У ўз маблағларини даромад олиш учун сармоя киритиши мумкин, лекин у олинган барча даромадларни ўзи яратилган ташкилотлар фойдасига қўллаб-қувватлашга йўналтириши шарт. Жамғарма ва оддий хайрия ташкилоти ўртасидаги фарқ-бу фаолиятнинг қатъий мақсадли табиати (қоида тариқасида, ҳар қандай ташкилотни, масалан, маълум бир университетни қўллаб-қувватлаш учун фонд яратилади) ва маблағларни инвестиция қилиш орқали даромад олишга қаратилган.

Олий таълим муассасаларини нуфузли хорижий олий таълим даргоҳлари билан ҳамкорликда трансформация қилишнинг асосий йўналишлари этиб қуйидагилар белгиланди:

олий таълим жараёнини рақамли форматга ўтказиш, рақамли таълим технологияларини кенг жорий этиш асосида билимлар трансферини таъминлаш, ҳар бир таълим олувчининг шахсий хусусиятларини инобатга олган ҳолда билим, компетенция, кўникма ва малакаларни шакллантириш учун ахборот тизимларини жорий этиш;

лойиҳавий ўқитиш усулларини кенгайтириш, жаҳон миқёсидаги етакчи ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликка асосланган инновацион таълим муҳитини шакллантириш ҳамда инновацион тадқиқотларни ривожлантириш ва ишланмаларни амалиётга жорий этиш;

талабаларда тадбиркорлик кўникмаларини ривожлантириш, бизнес лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш дастурларини яратиш;

олий таълим муассасасини ҳудуддаги маҳаллий жамоаларнинг таълим, илм-фан ва ижтимоий-маданий соҳаларда ривожланишини таъминлайдиган марказ сифатида шакллантириш;

ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий муаммолари ва вазифаларини ҳал қилиш борасида маҳаллий ижро этувчи ҳокимияти органлари ҳамда жамоат ташкилотлари билан стратегик шериклик муносабатларини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш.

Жаҳондаги кўплаб илмий марказларда олий таълимнинг функционал вазифалари истиқболлари билан боғлиқ тадқиқотлар мунтазам ўтказиб турилади. Ҳатто, таълим ва ишлаб чиқариш алоқадорлиги масаласи халқаро ташкилотлар (БМТ, Жаҳон банки ва

хоказо) ҳисоботларида ҳам киритилади. Ривожланишда юқори кўрсаткичларга эришишга ҳаракат қилаётган ва инсон капиталидан самарали фойдаланиш тизимига эга бўлган мамлакатларда олий таълим аниқ миссия билан фаолият юритади. Унинг фаолиятида молиявий ва академик мустақиллик намоён бўлади. Шунда иқтисодий функционаллик ривожланади, олий таълимга инвестиция киритиш йўллари кенгайди. Олий таълим ўзининг даромадлари ва харажатлари балансини ўзини-ўзи бошқариш тизими орқали юритади. Бундай жараён ҳозиргача менежментнинг тадқиқот объектларидан бири бўлиб келмоқда.

Хулоса ўрнида, Ўзбекистонда ҳам сўнгги беш йилда олий таълимнинг иқтисодий функционалигини такомиллаштиришга катта эътибор берилмоқда. “Фан-таълим-ишлаб чиқариш концепцияси” узоқ вақтдан буён амалда бўлсада, аммо самарадорлик даражасини кўрсата олмаган. Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида “Университет 3.0” концепциясини босқичма-босқич жорий этиш, хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш, пуллик хизматлар кўламини кенгайтириш ва бошқа бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига олий таълим муассасаларида технопарк, форсайт, технологиялар трансфери, стартап, акселератор ижтимоийиқтисодий ривожланишини тадқиқ қилувчи ва прогнозлаштирувчи илмийамалий муассасалар даражасига олиб чиқиш, олий таълимнинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш, хорижий таълим ва илм-фан технологияларини жалб этиш каби бир қатор масалаларни ривожлантиришни назарда тутди.

References:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори, 27.10.2020 йилдаги 655-сон. <https://lex.uz/ru/docs/5068549>
2. Леонов А.В. Эндаументы: Место в системе финансирования высшего образования и опыт применения в мире и в России. // Современные исследования социальных проблем (электронный научный журнал), №1(09), 2012
3. Шеров, А. Б. (2021). Олий таълим муассасаларини молиялаштиришнинг ақш тажрибаси. Scientific progress, 1(6), 972-978.
4. Jana Erina and Ingars Erins “Assessment of Higher Education Financing Models in the CEE Countries” Social and Behavioral Sciences 177 (2015) 186 – 189
5. Bakberganovich S. A. Ways to Increase the Efficiency of Financing Higher Education Institutions //Journal of Marketing and Emerging Economics. – 2021. – Т. 1. – №. 7. – С. 49-56.
6. Sherov A. Reforms in the system of higher education and their impact on financial stability //International Finance and Accounting. – 2019. – Т. 2019. – №. 3. – С. 21.
7. John W. Pope Center for Higher Education Policy., Kristin Blagg, Erica Blom. Evaluating the Return on Investment in Higher Education. An Assessment of Individual- and State-Level Returns. Washington. Urban Institute.2018.
8. П.Дракер Посткапиталистическое общество// Ж. Экономика XXI векаМосква, 1999.-№11-с.3-4: Becker G. Human Capital-N.Y. 1964 43. p.